

А Ж Р И М

(қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида)

2025 йил февраль ойининг 10 куни соат 17:10да, жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг ёпиқ суд мажлиси ўз биносидида бўлиб,

раислик қилувчи, туман судининг тергов судья: Х.Исаев, судья ёрдамчиси Э.Фарҳодовнинг котиблигида, Ургут туман прокурорининг ўринбосари Т.Каримкулов, айбланувчи Ф.Акрамов ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Ғаниевларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланаётган:

1975 йил 17 октябрь куни Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Респубдликиси фуқароси, маълумоти ўрта, ишсиз, оилали, муқаддам судланмаган, Ургут тумани, Катта Торинжак маҳалласида яшовчи, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 227-моддаси тартибида 08.02.2025 йил соат 20:00да ушланган

Акрамов Фарход Матлабовичга нисбатан

Ургут туман прокурорининг “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Дастлабки тергов материалларига кўра, Ф.Акрамов гиёҳвандлик моддасини қонунга ҳилоф равишда сотиш ижтимоий ҳавфли қилмиш эканлигини билган ҳолда, 2025 йил 7 февраль куни соат 17:00ларда Ургут тумани “Катта Торинжак” маҳалласи ҳудудида Ургут тумани ИИБ ТҚХ ТҚКБ тезкор вакили капитан Н.А.Мамараимов томонидан ДХХ Самарқанд вилоят бошқармаси Ургут ШБ тезкор ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбир давомида, фуқаро Ҳамдамов Раҳимкул Ахроровичга 2 дона шаффоф рангли целофан қирқимларига алоҳида-алоҳида солинган оч-сарғиш рангли тошчасимон ва кукунсимон кўринишдаги “героин” гиёҳвандлик моддасини 200.000 сўм эвазига сотган вақтда ушланиб, фуқаро Р.Ҳамдамовдан оғирлиги 0,08 грамм бўлган “героин” гиёҳвандлик моддаси ва Ф.Акрамовдан 200.000 сўм миқдордаги пуллар ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштириб олинган.

Самарқанд вилоят ИИБ ЭКМ кимёвий экспертизасининг 08.02.2025 йилдаги №153-сонли хулосасига кўра, фуқаро Р.Ҳамдамовдан ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштириб олинган 2 дона шаффоф рангли целофан қирқимларига алоҳида-алоҳида солинган оч-сарғиш рангли тошчасимон ва кукунсимон кўринишдаги моддалар таркибида фаол гиёҳванд модда - диацетилморфин мавжуд бўлган “героин” гиёҳвандлик моддаси турига киришлиги ва унинг соф оғирлиги 0,08 граммни ташкил қилишлиги кўрсатилган.

2025 йил 10 февраль куни Ф.Акрамов жиноят ишида айбланувчи тариқасида жалб қилиниб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан айб эълон қилинган.

Прокурор илтимосномада, Ф.Акрамов томонидан содир этилган жиноят ўз хусусияти ижтимоий ҳавфлилик даражасига кўра, ўта оғир жиноятлар туркумига



киришини, бошқа турдаги эҳтиёт чораси қўлланилган тақдирда, янги қасддан жиноят содир этиши ҳамда тергов ва суддан яшириниши мумкинлигини эътиборга олиб, Ф.Акрамовга нисбатан “қамоққа олиш” эҳтиёт чорасини қўллашни сўраган.

Адвокат А.Ғаниев ҳимояси остидаги Ф.Акрамовга қўйилган айблов ўта оғир жиноятлар туркумига кирса-да, бироқ унинг доимий яшаш жойи эга эканлигини, тергов ва суддан яширинмаслигини билдириб, Ф.Акрамовга нисбатан “қамоққа олиш” билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси қўллашни сўради.

Суд мажлисида айбланувчи Ф.Акрамов оилавий аҳволи ва бошқа енгаллиштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан “қамоққа олиш” билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси қўллашни сўради.

Суд илтимосномада келтирилган важларни ва томонларнинг фикрларини ўрганиб чиқиб, Ургут туман прокурори ўринбосарининг илтимосномани қаноатлантириш ҳақидаги, айбланувчи Ф.Акрамов ва унинг ҳимоячисининг “қамоққа олиш” билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси қўллаш тўғрисидаги фикрларини эшитиб, қуйидагиларга асосан “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги илтимосномани қаноатлантиришни лозим топади.

Айбланувчи Ф.Акрамов ўта оғир жиноят содир этишда айбланмоқда, шунингдек у очикда қолдирилса, тергов ва суддан яшириниши мумкин ёки иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиш эҳтимоли мавжуд.

Шунга кўра, суд айбланувчи Ф.Акрамовга нисбатан “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 242, 243-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ургут туман прокурорининг илтимосномаси қаноатлантирилсин.

Айбланувчи Акрамов Фарход Матлабовичга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, у қамоққа олинсин ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭД 3-МХ 7-сон Тергов ҳибсхонаси муассасасига жойлаштирилсин.

Ажрим ижро учун Ургут туман прокурорига, маълумот учун айбланувчи ва ҳимоячига тақдим қилинсин.

Ажрим устидан эълон қилинган пайдан бошлаб етмиш икки соат ичида апелляция тартибида Самарқанд вилоят судига шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

Х.Исаев

